



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING DAVLAT XAVFSIZLIGI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тузилмаси ва давлат chegarалари дахл-сизлигини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этиш, жамият-даги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик — демократик ҳуқуқий давлат қуришининг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарт-ларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузу-ми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини таъминлаш ва ички таҳдид-лардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин ту-тади.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хиз-матининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжа-ти яратилиши туриб, унга миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари оқлатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятини барча соҳаларига асосан аралашувиغا шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қи-лиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституция-вий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини таъминлаш ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан тако-миллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавф-сизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Дав-лат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Рес-публикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсиз-лик хизмати Ўзбекистон Республикасининг консти-туциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини таъминлаш ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб бел-гилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсиз-лик хизмати (бундан буён Хизмат деб юритила-ди) фаолиятини ташкил этишининг устувор йўна-лишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Хизматнинг махсус ваколатли давлат хавф-сизлик органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, вако-латлари ва фаолият йўналишларини аниқ бел-гилаб берувчи мустақам қонунчилик базасини яратиш;

буғунги кундаги хавф-хатарлар ва таҳдидлар-га қарши курашишнинг таъсирчан шакл ҳамда услубларини жорий этиш;

юзга келтирилган ижтимоий-сиёсий ва соци-ал-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда давлат хавфсизлигини таъминлаш борасида-ги вазифаларни бажаришда мавжуд куч ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш;

Хизмат фаолиятини давлат хавфсизлигини таъминлаш ишларининг шакл ва услублари, шу-нингдек, Хизмат ҳарбий хизматчиларининг идо-равий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошқор

булишини истисно этувчи конспирация тамойили асосида ташкил этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этилиши-ни кафолатлайдиган таъсирчан механизмларни жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари-ни муносиб ҳимоя қилишга қодир, ҳар томонла-ма етук ва ватанпарвар ёшларни Хизматга жалб этишга қаратилган кадрларни танлаш ва тайёр-лашнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уй-жой ва май-ший шарт-шароитларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш орқали Хиз-мат ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоя-сини кучайтириш.

3. Хизматнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавф-сизлиги ва манфаатларини таъминлаш ва ички таҳ-дидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, маз-кур соҳада қонунчилик ва қонун устуворлигини мустақамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституция-вий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги тажовуларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва қон-тразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чега-раларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлар-дан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобили-ятини мустақамлаш бўйича стратегия ташаббус-ларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчи-ликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи-га қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳ-дид солувчи миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фао-лиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъ-минлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихий-маданий ва бой маънавий меросини ҳи-моя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникация ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларни юзага келтирувчи омилларнинг ол-дини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Хизмат тергов қилиш ваколатига кирувчи жи-ноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирлари сақланиши, махсус алоқа хавф-сизлигининг таъминланиши ҳамда ахборотларни криптографик ҳимоя қилишни ташкил этиш усти-дан назоратни амалга ошириш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳ-дид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

Хизматнинг жанговар ва сафарбарлик тай-ёргарлиги ҳолатини такомиллаштириш ва сақлаб туриш, куч ва воситаларни фавқулодда вазиятлар

юзга келган ҳамда ҳарбий ҳолат жорий қилин-гандаги ҳаракатларга тайёрлаш.

4. 2018 йил 1 апрелдан қуйидаги функциялар: Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг тех-ник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўр-сатиш бўйича ишларни бажаришга рухсат бериш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-лигига;

режимли мудофаа объектларини лойиҳа-лаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун лицензия талабгорларига рух-сат этилганлиги ҳақида маълумотнома бериш — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ—5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва техноло-гияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Ўзбекистон Рес-публикасининг Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-нунчилик палатасига мазкур Фармон қоидалари-дан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-маси Хизмат билан биргаликда бир ой муддатда 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизмат-чилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастури-ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсиз-лик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуна-лари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фой-даланиш тартиби Хизмат раиси томонидан тас-диқланади.

8. Хизмат икки ой муддатда: Хизмат фаолиятини ташкил этиш;

Хизматнинг таълим муассасалари фаолият-ини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чега-расини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оши-ришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хизмат ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатла-рига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгарти-ш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ки-ритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош ва-зирли А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Хавфсизлик кенгаши ко-тиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 2-илова

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март кун қиш-лоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жа-ҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжа-лиги экинларидан ош ва сифатли ҳосил олиш, тармоқни илғор усуллар асосида ривожланти-ришда соҳанинг моддий-техник базасини мустақамлаш, машина-трактор паркларини замона-вий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзга-ротехнаоҳолдин» акциядорлик жамияти фаоли-ятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими тубдан қайта ташкил этилди.

Тармоқнинг техникавий базасини такомил-лаштириш мақсадида «Ўзгаротехнаоҳолдин-дин», қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича «Ўзгаротехмаш», лизинг асо-сида етказиш бўйича «Ўзгарозинг», сервис ва механизация хизматлари кўрсатиш учун «Ўзга-росервис» жамиятлари тузилди. Машина-тра-ктор паркларининг бюджет олдидagi қарзларини тўлаш муддати 2 йилга кенчиктирилди.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Наманган ви-лоятларида фермерлар учун лизинг муддати 10 йилдан 12 йилга, машина-трактор паркларини учун 7 йилдан 10 йилга узайтирилди. Фермерлар ва машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун 5 фоизли имтиёз-ли кредитлар ажратилди.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва лизинг хизматлари 1,7 баробар, механизация хизматлари 2,5 баробар ортди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгай-тириш бўйича муайян қамчиликлар мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан 85 фоиз таъ-минлангани, маълум қисми эскирган, уларни ўз вақтида янгилаш чоралари қўрилишига қаттиқ танқид қилинди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида назорат қилмагани учун Бош вазир ўринбосари — «Ўзгаротехнаоҳолдин» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н.Отанжоновга ҳайфсан берилди. Ишда йўл қўйган сусткашлиги ва жиддий хатолари учун «Ўзга-ротехнаоҳолдин» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари — «Ўзгаросервис» акция-дорлик жамияти бош директори Р.Аҳмедов, «Ўзга-розинг» акциядорлик жамияти бош директори Х.Имомов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаменти мудири А.Рафиков эгалаб турган лавозимидан озод қилинди.

Буғунги кунда тармоқда 172 мингдан ортқ техника талаб бўлгани ҳолда, 146 мингта тех-ника мавжуд ёки 26 мингта техника етишмайди.

Фермер хўжалиқларининг юқори умумли ҳай-дов тракторлари билан таъминланиши 75 фоиз-ни, галла ўриш комбайнлари — 86 фоиз, пахта териш машиналари — 28 фоиз, қўшқатор чигит экиш сеялкалари — 60 фоиз, дон экиш сеялка-лари билан таъминланиши 25 фоизни ташкил этади. Умуман, етишмайдиган ва эскирган тех-ника ҳисобга олганда, жами 82 мингта янги қиш-лоқ хўжалиги техникасига талаб мавжуд.

Дастурга мувофиқ жорий йилда 16 мингта, жумладан, биринчи ярим йилда 5 минг 800 техникани кредит асосида етказиб бериш белги-ланган.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникасига та-лабни тўлиқ таъминлаш мақсадида «Ўзга-ротех-наоҳолдин» акциядорлик жамияти, Молия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига икки ой му-датда 2018-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги тех-никасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўй-ича дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бунда қишлоқ хўжалиги техникасини харидор-ларга етказиб беришни молиялаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳам назарда тутиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари пахтачилик, боғдорчи-лик ва узумчиликда баҳорги дала ишлари бош-ланай деб турган бўлса-да, 5 минг 800 та тех-никадан фақат 1 минг 200 таси фермерлар ва машина-трактор паркларига етказиб берилгани-га эътибор қаратди. Шунингдек, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшимча ажратилган 4 мингта техниканинг 30 фоизи ўз эгаларига ет-казилган.

Йиғилишда фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берил-адиган имтиёзли кредит тарихида механизация хизматини улушини ошириш бўйича асосланган тақлифларни киритиш топширилди.

Шунингдек, машина-трактор паркларини то-монидан кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, механизация хиз-матларининг ҳар бир йўналиши бўйича қатъий нархларни белгилашга оид мезъорий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, тармоқни жадал ривожлантириш учун долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, энг муҳими, фермерларни замонавий техника ва агрегатлар билан узлуқ-сиз таъминлаш, уларнинг манфаатдорлиги ва розилигини ошириш юзасидан кўрсатма ва топ-шириқлар берилди.

ЎЗА

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ кулфат келтиради

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш масалалари ҳақида давра суҳбати ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонида 1-илова



Геральдик белги — Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат хавфсизлик хизмати эмблемаси тўқ кўк рангли айлана тасма-си бўлган кумуш ранг доирадан иборат. Айлана тасманинг юқори қисмида оқ рангли бош ҳарфлар билан латин алиф-босида: «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI», пастки қисмида: «DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI» деб ёзилган. Ушбу ёзувлар хур-лик маъносини аниқлашчи шаклда қирра-ли икхита юлдуз билан ажратилган.

Доира марказида давлат ва жамиятни таъқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш рамзини аниқлашчи, пастки қисми чўзил-ган, юқори бурчаклари кесилган учбурчак қўриқчи эга қалқон тасвирланган. Қалқон юзаси кумуш рангда. Қалқоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Дав-лат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг камбар ҳошияла-рига қадар кўш нурларини ифодаловчи тўғри чизиклар тортилган.

Қалқоннинг кесилган икки юқори ва пастки бурчакларида шах, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазасини ани-қлашчи учта ҳалқа тасвирланган.

Қалқон ортида симметрия ўқи бўйича

тиги пастга йўналтирилган қилич жойлашган. Қилич куч, шаън, адолат, жасорат ва ҳуш-ёрликни аниқлатади.

Қилич кумуш рангда. Қилич дастаги еттита халқадан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат хавфсизлик хизмати фао-лиятининг асосий тамойилларини аниқлатади.

Қалқон ва қилич ортида симметрия ра-вишида икки томонга ҳилпиратган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи-нинг қалқон ва қилич ортида жойлашган консти-туциявий тузум, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва давлат манфаатларининг таъқи ва ички таҳ-дидлардан ҳимояланганлигини аниқлатади.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига ШАРҲ

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида стратегик вазифалар ва энг муҳим ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат давлат ва ҳўжалик бўшқаруви органлари, балки ҳўкуми муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлиса Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ислох қилиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Давлат раҳбари томонидан Конституция ва қўнун нормаларига оғишмай рўя этилишини таъминлаш, ҳўқўчи муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўзара тўйиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойиллини сўзсиз амалга ошириш, бошқа органларнинг функцияларини бажариш ва тақдорлаш ҳўлатларига йўл қўймаслик вазифалари қўйилган эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон хавф-хатар ва таҳдидлар самарали тарзда қарши курашишга қўдир махсус хизматнинг замонавий қиёфасини белгиланган ҳўлда, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимига асос солди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати этиб қайта ташкил қилинди. Идоранинг номидан «миллий хавфсизлик» тушунчасининг чиқарилиши

унинг ваколатлари асосси тарзда кенгайтишга шарт-шароит яратган омилларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ. Чўнки локал миқёсдаги ҳар қандай муаммо миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қўрилиши мўмкин эди. Мазкур ўзгартириш ушбу идоранинг диққат-эътиборини давлат аҳамиятига эга реал таҳдидларга қаратади. «Давлат хавфсизлиги» атамаси хавфсизликни таъминлаш доирасини аниқ белгилайди ва мазкур соҳадаги фаолият йўналишларини ажратиб беради.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳўдудий яхлитлигини ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгиланди. **Биринчидан**, мазкур идоранинг мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини белгиланган ҳўлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги қўнунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилмоқда. 26 йил олдин қабул қилинган Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги амалдаги низоми фаолиятини самарали ташкил этишга имкон бермайди ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирмайди.

Иккинчидан, бугунги кўндаги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакллари ҳамда услўбларини жорий этиш, шу мақсадда идоранинг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш зарурлиги белгиланди.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳўқўлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларига оғишмай рўя этишнинг алоҳида муҳим аҳамияти таъкидланди. Шўндан келиб чиққан ҳўлда, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан инсон ҳўқўлари қўнуний қафолатларнинг қатъий таъминлинига устувор аҳамият берилди.

Тўртинчидан, кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мўтлақо янги тизими ташкил этилади, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кўчатирилади. Мазкур чоралар Давлат хавфсизлик хизмати ҳар томонлама ривожланган ва ватанпарвар ёшларни жалб этишга имкон беради. Шу ўринда идора вакилларининг ҳарбий хизматчи сифатидаги мақоми кўрсатиб ўтилди, мазкур ҳўлат уларга нисбатан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ барча чеклов ва мажбуриятлар татбиқ этилишини аниқлатади.

Бешинчидан, Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини идора ишининг шакллари ва услўблари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг идоравий мансўблиги ҳақидаги маълумотлар ошқор бўлишини истисно этидиган конспирация тамойиллари асосида ташкил этиши белгиланди. Бу давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришда мавжуд кўч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўзига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни истисно қилиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати ваколатида бўлган айрим руҳсат берувчи ваколатлар 2018 йил 1 апрелдан бошқа идораларга ўтказилади ёки тўғатилади. Фармон билан Давлат хавфсизлик хизматининг

байроғи ва эмблемаси намуналари тасдиқланди.

Идоравий рамазларнинг таъсис этилиши ҳарбий хизматчиларнинг жангвор руҳини оширишга ҳамда уларни давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришга сарфарбар этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тўғилган қўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор топшириқлар мавжуд. Шу муносабат билан:

идора фаолиятини ташкил этиш, унинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самардорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини ишлаб чиқиш;

2018-2022 йилларда Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қўриш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришнинг ҳўқўқий асосларини яратди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳўдудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилишини таъминлайди.

ЎзХДП: МУАММО ВА ТАҲЛИЛ

Сиёсий ўқувлар: СОН ЭМАС, СИФАТ КЕРАК



Нилуфар ЮЛДАШЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Фуқаролар ўз ҳўқўқилари ва бурчларини чўқур ҳис қилиши фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ЎзХДП тизимида ушбу масалага бағишланган ўқув семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Бугун давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Айниқса, 2017 йил 12 июлда Олий Мажлисада ўтказилган видеоселектор йиғилиши сиёсий партиялар фаолиятида тўб бурилиш ясаш вақти аллақачон келганини кўрсатди. Бу борада партиямиз Марказий Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ҳар бир йўналишдаги фаолиятимиз танқидий таҳлил этилди, янги гоё ва ташаббусларни ўз ичига олган йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Хўсусан, сиёсий-маърифат тизимини янгилаш, тарғибот-ташвиқот ишларини сифат жиҳатдан кўчатириш, ўқув-семинарлар самардорлигини янада ошириш бора-бора қатор вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кўнга келиб, партия тизимидаги ўқувлар қай даражада амалга оширилмоқда? Тарғибот тадбирлари ўзини оқлайтирми? Биз ана шу саволлар устида жиддий бош қўтирмоғимиз керак.

Партиямиз Марказий Кенгашидан тортиб, бошланғич партия ташкилотларига қадар ўтказилаётган сиёсий ўқувларни таҳлил қилганимизда уларнинг самардорлиги пастлиги аён бўлмоқда.

Камчиликлар нимада кўзга ташланяпти?

Биринчидан, ўтказилаётган сиёсий ўқувлар фақатгина семинарлар шаклида ёки давра суҳбати шаклида бўлиб, замонавий технологиялардан унумли фойдаланилмайди. Масалан, ўтган йил давомида партия Марказий Кенгаши, Қўрақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотларида 21 минг ўқув семинар ўтказилган. Аммо аксарият бошланғич ташкилотларимизда ўқувлар номига ташкил этиляпти.

Иккинчидан, аудитория иштирокчиларини тўғлаш масаласида жиддий муаммолар мавжуд. Ахборот асрида барча фуқаролар (у партия ҳодими бўладими ёки бошқа касб эгаси бўладими) жамиятдаги ўзгаришларни, бўлаётган янгиликларни тезкор интернет, телевидение, умуман, ОАВ орқали танишиб чиқиш имконига эга. Биз бундай пайтда ким билан ишлашни аниқ билишимиз керак. Ўқувларда ҳар доим бир хил одамлар қатнашишига чек қўйишимиз зарур.

Учинчидан, ўқувларни ташкил этишда босқичма-босқич тамойилни, яъни марказий, минтақавий, маҳаллий ва БПТ тизими ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Партия тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг сиёсий-ҳўқўқий билимини ошириш масаланинг бир томони бўлса, бошқа томондан биз ўқувлар орқали янги фаолларни кашф этишимиз керак. Бошқача айтганда, ўқувлар орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришимиз мўмкинлигини унутмаслигимиз керак.

Шўндан келиб чиқиб, сиёсий ўқувларимизни тўғдан ислох қилиш, тадбирларни ўтказишда инновацион, янгича ёндашувлар асосида қўйдига тартибда такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ бўлади: — энг яхши тажрибаларни амалиётта оммалаштириш, халқаро инновацион тажрибаларни мафқура йўналишига татбиқ этиш;

— тарғибот ишларида бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан тўғлиқ фойдаланиш, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорликни кўчатириш;

— партия дастурий мақсадларини тарғиб қилишда замонавий форматлардаги слайдлар, тарқатма материаллар, ижтимоий тармоқ воситаларидан унумли фойдаланиш;

— ўқувлар мониторингини олиб бориш, ҳар ойда уларни таҳлил қилиш ва шу асосда камчиликларни тўғдириш.

Бўндан ташқари, партиямиз тизимидаги тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятини ҳам изчил такомиллаштириш талаб этилади. Бу жараёнда Миллий гоё ва мафқура илмий-амалий маркази, Маънавият ва маърифат маркази, Олимплар ассоциацияси, Ёшлар иттифоқи каби ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз керак бўлади.

Сиёсий ўқув партиянинг муҳим тарғибот воситаси эканини унутмаслигимиз, ўтказилаётган тадбирларнинг сонига эмас, сифатига эътибор қаратишимиз, бугун бу масала ҳар қачонгидан муҳим бўлиб турганини ҳисобга олишимиз зарур.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ТАКЛИФИ

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ кулфат келтиради

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, чақалоқлар ва болалар улимни камайитириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириляётганига қарамай, ечимини кўтаётган масалалар ҳам кўп. Хўсусан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, эрта турмуш оқибатида турли кўнгилсиз ҳўлатлар юзага келмоқда. Кўпинча ёши улўг инсонларнинг истаги билан қариндошлик асосида оила қўрилади. Натижада бундай оилаларнинг аксариятида чақалоқлар турли нуқсонлар билан дунёга келаятгани қайд этилди.

Давра суҳбатида ушбу ниҳоятда долзарб масала юзасидан ҳаётий мисоллар асосида таклифлар билдирилди.



Сенатор ШОТЎЛАГАНОВ сўзларини сўраётган.



Абдуғаффор ҚИРГИЗБОВЕВ, Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Бугунги кўнда долзарб масалалардан бирига айланган яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишлари етарли самара бермапти. Жойларга чиққанда амин бўлдики, бу каби никоҳлар айрим ҳудудларда ҳатто кўпайиб кетмоқда. Амма жиянини келин қилган, опаси укаси билан қўда бўлган, оқибат эса ниҳоятда ачинарли.

Масалан, таҳлиллар Чўст туманидаги Олмос қишлоғида болалар ногиронлиги юқори эканини кўрсатди. Қишлоқда кўпчилик қариндошлар қўда-анда экани маълум бўлди. Ҳўраэм виллоятда эса яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар натижасида бундай оилаларда 40 фоиз бола ногиронлик билан туғилган. Уларнинг 29,9 фоизи асаб ва руҳий касалликка чалинган, 12,6 фоизини таянч-ҳаракат тизими хасталиғи билан касалланганлар, 21,8 фоизини кўзи оғирлар, 8 фоизини кар-соқовлар, 11,5 фоизини қўн касалликларини билан боғлиқ бўлган ногиронлар ташкил этади. Бу — жуда ҳам аянчли ҳўлат. Бу — ҳақиқий фожиа.

Маълумки, ЎзХДП аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қўмақлашиш, ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни қабул қилишга қаратилган изчил сиёсатни амалга ошириш тарафдорин. Фракция-миз шўнга асосан Оила кодексига яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чекловларни жорий этиш таклифини илгари сўрмоқда.

(Давоми, бошланғич 1-бетда)



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Тиббиётда ҳар қандай қариндошлик никоҳларидан туғма ва ирсий касалликларга чалинган болаларнинг туғилиши хавфи сақланиб қўлиши аниқланган. Касалликлар нафақат биринчи, балки кейинги авлодларга ҳам таъсир қилиши мўмкин.

Оила кодексига қўра, фақатгина тўғридан тўғри ва пастки йўналиш бўйича қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди. Ёндош қариндошлар оила қўришига монелик белгиланмаган. Кодексда никоҳга кирувчи шахслар ўртасида қариндошлик алоқалари йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш мажбурияти белгиланмаган.

Фракциямиз аъзолари Оила кодексига ёндош қариндошлар ўртасида никоҳга ҳам йўл қўйилмаслигини белгилаб қўйиш таклифини илгари сўрапти. Бўндан мақсад ҳеч бўлмаганда битта умумий қариндоши бўлганлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш учун ҳўқўқий тўсиклар яратишдан иборат.

Шўнингдек, никоҳга киришни хоҳловчилар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳўлатларнинг йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тўғатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мазкур ўзгариш никоҳга киришда қариндошлик алоқалари борлигини яшириш ҳўлатларига қўнунан чек қўяди.

Фракциямиз фикрича, ўзгартиришлар қариндошлик никоҳлари натижасида ногирон болалар туғилиши хавфини камайитириш учун қўшимча ҳўқўқий асосларни яратаяди, соҳанинг ҳўқўқий жиҳатдан тартибга солиниши мустаҳкамлайди.



Юлдуз ШОНОВА, Республика репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари: — Қариндош бўлмаганлар ўртасида тузилган никоҳдан туғилган болаларда туғма аномалия 2 фоиз, ақли заифлик 3 фоизни ташкил қилса, қариндошлик никоҳида бу кўрсаткичлар 5-6 фоизга ортади. Бугунги кўнда республикамизда қариндошлик никоҳлари камайиш ўрнига кўн сайин ортиб бормоқда. Бу — ачинарли ҳўлат.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида Беруний туманида бўлди. Ҳудуддаги ҳўлава-чалар турмуш қўрган хонадонга кирдик. Уч нафар фарзанди бор. 7 ёшли қизидан бўйин соҳасида, 4 ёшли фарзандининг бел соҳасида, янги туғилган чақалоқнинг думгаза соҳасида орқа мия чурраси касаллиги бор. Уларнинг ҳеч бири ҳаракатлана олмапти. Кўрғасизки, ҳар бир фарзандда шу касаллик генда учраяпти. Аёл ҳўмиладорлик даврида скрининг текширувларидан ўтган бўлиб, шифокорлар унга ҳўмиладорлик тўғатилган, деган хўлоса берган. Аммо эр-хотин бунга қўлоқ солмаган. «Пешонамиздан кўрашимиз», деган қарорга келишган.

Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мўмкин. Шўнинг учун қатъий чоралар қўрилиши хўсусидаги ёндошларни ёқлаймиз. Муаммонинг ечими ҳўқўқий асосда амалга оширилса, бизда ҳам талаб қўйиш имкони юзага келаяди. Қўнунда белгиланган меъёрлар орқали ҳам мазкур аянчли ҳўлатга қарши курашамиз.



Турсўнпўлат НОРБОВЕВ, Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ногирон фарзанднинг туғилиши давлатга ҳам, жамиятга ҳам қанчалик зарар эканини яхши ҳис этиб турибмиз. Ҳўш, биринчи фарзанд ногирон туғилди, кейинги фарзандчи? Бўнинг олдини олиш учун нима-лар қилинапти?

Кўпчиликини ўйлантираётган муаммо мана шўнда, деб биламан. Андиқонда борганимизда Мурувват уйига ногиронлиги бўлган фарзандни ташлаб кетаётган ота-онани учратдик. Буни қарангки, улар аввалги 3 нафар ногирон боласини ҳам ўша ерга олиб келган экан. Тўртинчи фарзанди туғилишидан олдин врачлар илмий асосланган тиббий хўлоса берган бўлса-да, ота-она бирор бир чора кўрмаган.

Фарзанди ногирон бўлишини билиб туриб, унинг туғилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қўнуний жазо белгилаш керак. Ҳўш маъмурий, ҳўш жиноий жавобгарлик бўлсин, бу масала ҳўқўқий тартибга солиниши керак. Шўндай қатъий жазо қўлланилмаса, ногирон туғилган болалар Мурувват уйлари-га ташлаб кетилмаверди.

Оила кодексига ўзгартиш киритилар экан, никоҳ ёшини белгилаш масаласини ҳам қайта қўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайман. 17 ва 18 ёш улғайганлик, жинсий ва руҳий жиҳатдан ривожланганликини аниқламайди. Иқтисодий мустақиллик эса умуман бир четда қолиб кетаяпти. Турмуш қўриш ёшини белгилашни умумхалқ муҳокамасига қўйиш керак. Эрта турмуш қўришнинг салбий оқибатлари ҳам кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Мақсуда ВОРИСОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ҳўддамининг фарзандимиз, набира-ларимиз бор. Уларнинг келажаги, фаровон ҳаёти барчамиз учун муҳим. ЎзХДП фракцияси томонидан Оила кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бора-сидаги қўнунчилик ташаббусида долзарб масала ўрин олган. 30 йилдан бўён врачман, йиллар давомида мана шу масалани аҳоли орасида тарғибот қилиб келдик. Бирок одамларнинг онгига синдира олмадик. Уларга таъсир қилиш учун бугун қўнуний ҳужжатларни қабул қилмасак, ҳўқўқий тартиб ўрнатмасак, кўнгилсиз ҳўлатларнинг олдини олиб бўлмайди.

Менинг ҳам бир таклифим бор. Мақтаблардаги тиббий саломатлик дарсларини янада кўчатириш керак. Тўғри, ушбу дарслар факультатив тарзда ўтилади. Лекин соғлом турмуш тарзи, соғлом ҳаёт кечирishi қўлдаси, касал бўлмаслик учун, соғлом фарзандларни дунёга келтириш учун нима қилиш керак, деган саволларга аниқ жавоб бериладиган машғулотлар мактаб дарслигига расман киритилиши керак. Ўқувчилар соғлом оила қўриш, соғлом ҳаёт кечирishi масалаларида имтиҳон топшириш лозим, деб ўйлайман.

Тўғри, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳчи чеклаш ногирон болалар туғилмай қолади, дегани эмас. Лекин сезиларли даражада ногиронликнинг олди олинади.

Давра суҳбатида, шўнингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Нуроний» жамгармасининг Мурожаати мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, партия фракциясининг олдида турган вазифалар муҳокамаси этилди. Тўй ва бошқа маросимлардаги исрофгарчиликлар ҳамда турли кўнгилсизликларга қарши курашиш юзасидан фикр алмашилди. Келгусидаги ҳамкорлик чора-тадбирлари хўсусида келишиб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.




ҚАДИМ ЖОМ ОБОД ГЎШАГА АЙЛАНАДИ...

Самарқанд вилояти ҳокимлиги «Обод қишлоқ» дастури доирасида Жом қишлоғини обод масканга айлантириш ташаббуси билан чиқди. Ушбу муносабат билан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан ҳудуднинг инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли хонадонлари ҳолати, мавжуд муаммолар атрофида ўрганилди. Шу асосда Жом ва Гирдикўрғон маҳаллалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Нуробод туманининг шарқий ҳудудидagi тоғлар бағридан бошланиб, куйи қисми Чироқчи ва Улуз чўлларига туташиб кетувчи Жом қишлоғининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғлаб турувчи, таъбир жоиз бўлса, улар ўртасида гўё кўприк вази-фасини ўтовчи бу қишлоқ республикадаги энг қўна, йирик аҳоли масканларидан бири ҳисобланади. Кўпгина ҳудудларда маҳаллаларни бир неча қишлоқлар ташкил этади. Бу ерда эса биргина Жомнинг ўзи — Жом, Гирдикўрғон, Тегиринобоши, Омондара маҳаллаларига бўлинади. Жом қишлоқ фуқаролар йиғинига бирлашган ана шу тўрт маҳалла ва шу ҳудудга қарашли яна икки маҳалла фуқаролар йиғинида 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда.

Қишлоқда ўтмиш обидалари кўп. Улар ҳақида тарихий манбаларда ҳам ҳикоя қилинган. Жумладан, Жомнинг юқори қисми — Омондара ҳудудига қорахонийлар томонидан XI асрда барпо этилган Фиштбанд сув омбори ҳақида Ўзбекистон Миллий энциклопедияси-



200 дан ортиқ оилага газ плитаси ва бошқа уй-рўзгор буюмлари совға қилинади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида иккита артезиан кудуги қазилиб, сув миноралари ўрнатилди. Мавжуд сув тармоқлари таъмирланиб, 500 метр масофага янги қувур ўтказиш режалаштирилган. Қишлоқ уйлари-нинг тароқ жойлашгани ва электр тармоқлари пала-партиш тортилган туфайли бу борада ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Эски, яроқсиз таянч устунлари янгисига алмаштирилади ва янги тармоқлар тортилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1000 га яқин таянч устунлари ўрнатилиши кўзда тутилган. 15 та замонавий, кичик транс-

бошлаб юборилди. Ҳудуддаги мавжуд 12 ўрта умумтаълим мактаб-лари ҳолати, уларнинг кўргазмали қуроллар, жиҳоз ва инвентарларга бўлган эҳтиёжи ўрганилмоқда. Қишлоқ ҳудудидagi 5,4 километр йўлга асфальт ётқизилди, 22 километр ички йўлларга қум-шағал тўкилиб, текисланади. Ҳозир йўл қурилиши корхоналари томонидан зарур техника воситалари ва ишчи кучи жалб этилиб, бу ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳудудидagi касб-хунар коллежи ва умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, аҳоли хонадонлари ҳам таъмирланади. Аҳолини тоза ичимлик суви, суюлтирилган газ билан таъминлаш, йўлларни таъмирлаш, қишлоқда электр таъминотини яхшилаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар асосида режалаштирилган йўлга қўйилди.

Жом қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 2700 дан ортиқ хонадонга кириб, аҳолини қизиқтираётган масалалар ҳақида суҳбатлашдик, мавжуд муаммоларни ўргандик. — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг раиси Маҳмуд Бобоев. — Ушбу мулоқотлар давомида аниқланган муаммоларнинг аксари тегишли соҳа мутахассислари томонидан жойида ҳал этилди. Бошқа масалаларнинг ҳар бири юзасидан ҳам аниқ вазифалар, масъуллар белгила-ниб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, олти маҳалланинг ҳар биридан 10 кишидан, жами 60 нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Ҳудуддаги аҳолининг барча қатлами чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилапти.

Вилоятдаги етакчи тиббиёт марказларининг 30 нафардан ортиқ малакали мутахассислари бугун айнан шу юмуш билан шуғуллани-шапти. Жом қишлоқ оилавий поли-клиникасида ушбу жараён давом эттирилмоқда. Касаллиги аниқлан-ган эҳтиёжман фуқаролар йўллан-ма асосида ихтисослашган тиббиёт муассасаларига юборилиб, дово-ланади. Ҳудуд аҳолисига тиббиёт хизмат кўрсатишни яхшилаш учун «Дамас» русумли автомашина ажратилади ва доимий равишда тез ёрдам кўрсатиш шоҳобчаси ташкил этилади.

Жомдаги энг муҳим масала-лардан бири — аҳоли хонадонла-рида замонавий турмуш шароити яратиш, коммунал соҳалардаги му-аммоларни бартараф этишдан ибор-ат, — дейди ЎзХДП вилоят ке-нгаш раиси Маждихон Усмонов. — Партиямизнинг сайловолди дастурида таъкидланганидек, бу ерда аҳолининг кам таъминланган

қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга эътибор қарати-лмоқда. Дастур доирасида биргина Жом қишлоғида 4300 дан ортиқ иш-сиз фуқаро бандлигини таъминлаш ҳамда кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган, ногиронлиги бўлган кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.



Жом қишлоғида амалга оши-рилаётган ободонлаштириш ишла-рида ёшлар ҳам фаоллик кўрсат-моқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлим мудири Бахтиёр Султонов. — Улар йўл қурилиши ишларида, атрофни тозалаш, ободонлашти-риш, дароҳт кўчатлари ўтказишда қатнашмоқда, уй-жойларни таъ-мирлашда усталарга ёрдам бериш-моқда. Бу ишга 360 нафар етакчи, 490 нафар олий таълим муассаса-лари талабалари жалб этилган. 3-4 март кунлари уюштирилган «Ёшлар акцияси» доирасида ҳам мингга яқин ёшлар Жомдаги бунёдкорлик ишларида қатнашди.

Бир умр ўқитувчилик қил-дим, — дейди Жом маҳалласи-да истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, ЎзХДП аъзоси Қаноат Турғонов. — Илгари бизнинг қи-шлоқ эътибордан четда қолиб кела-ётганди. Шиферсиз, зах ва хароб уйларда яшардик. Мактабларимиз ночор эди. Ун, ёғ каби кундалик эҳтиёж моллари етишмасди. Энди ҳаммаси ўзгарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси бил-лан «Обод қишлоқ» дастури дои-расида амалга оширилаётган мана бу хайрли ишлар қишлоғи-мизда яшайётган ёш қарини қу-вонтираяпти.

Қишлоғимиз баҳаво бир гўша. Тоғлар ва қирлар ўраб турган ичунми, киши ҳам унчалик совуқ бўлмайди, — дейди гирдикўрғон-лик Азамат Маҳмудов. — Ўзда эса салқин. Омондара деган қат-та булоқ сувидан қишлоқ бўйлаб ичимлик суви тармоғи ўтказилган. Яна шу дарадан бошланадиган бир сойимиз ҳам бор. Аммо бу экинларни сугоришга етарли эмас. «Обод қишлоқ» дастури доираси-да бундай муаммолар албатта ҳал этилади.

Қишлоқ одамлари билан суҳ-батлашсангиз, тоғлар эстагиди жой-лашган Жом, унинг қадимийлиги ҳақида бир дунё маълумотлари фахрланиб келтиришарди. Бугун эса қишлоқда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишла-ри, қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган гамхўрлик тўғрисида тўлиб-тошиб гапиришмоқда, шуқроналик сўзла-рини айтишмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Ўткир РАХМАТ

Шеър — кўнгили овози. Қалб илтижоси. Яратганга муножот. Шеър боқий муҳаббат. Сукунатнинг ҳайкириги.

Ҳассос шоир, устоз журналист Ўткир Раҳмат шеърларини ўқиган киши шеърга берилган бу таърифлар нақадар тўғрилигини англайди. Беодор юрак тугёнларидан айримларини газетхонларимиз эътиборига ҳавола этаймиз.

Ватан

Ватан — сен кўзимсан, борсанки — ёру,
Ҳам оташ қалбимсан — даргоҳи юрак.
Сен нури — истиқлол буюк ва улуг,
Ватан сен — онамсан
Ҳаммадан юксак...

Хаёлим ўзингсан —
Ният ўзингсан,
Умидим ўзингсан —
Бахтим Ватаним.
Агар сен бўлмасанг
Менга не ҳаёт,
Минг парча-парчадир
Бу жон, бу таним...

Ватан ифорингдан
Айланай, ахир
Муаззам тонгингда
Хуршиди — жон бор.
Соҳибқирон руҳи
Қўллаган тақдир —
Юрт бахти, эл бахти
Буюк Сарбон бор.

Қоши кўзингданга
Тушмасин бир гард,
Мен кўрай, сен асло
Ҳеч кўрмагин дард.
Эртанг бугунингдан
Гўзалроқ юртим,
Индини эртдан
Топтироқ юртим...

Сен борсан — мен борман
Биз боримиз Ватан.

ТАҚДИМОТ

Берунийнинг «Минерология» асари ўзбек тилида



Дунё табиий фанлари, тарихчилари томонидан XI аср «Беруний асри» деб номланган эди, XXI асрда ҳам бу баҳо ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Навоий давлат қончилик институтида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриётида чоп этилган ана шу нодир асар тақдими бўлиб ўтди. Унда республикаимизнинг етакчи олий ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари ва таниқли мутахассислар қатнашди.

Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси билан Навоий давлат қончилик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари ҳамкорлигида улуг аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология» асари илк марта ўзбек тилига таржима қилинди.

Тадбирда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, институт ректори, профессор Қувондиқ Санақулов, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти профессори Мирсодиқ Исоқов, Самарқанд давлат университети профессори Дилором Салоҳий, геолог олим Исоқул Туробовлар сўзга чиқиб, буюк қончилик олимнинг «Минерология» асари нафақат илмий, балки тарихий нуқтаи назардан ҳам алоҳида қимматга эгалиги, эндиги вазифа ушбу асарни илмий тадқиқотчилар, мутахассислар, тарихчилар, қолаверса, кенг халқ оmmasининг мулоғига айлантиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, мазкур ноб асарнинг ўзбек тилига таржима қилинишида атоқли олим, заҳматқаш ва толмас тадқиқотчи, академик Азизхон Қаноновнинг беқиёс хизматлари алоҳида эътироф этилди.

Гул — чечакка...

Гул-чечакка ранг кирди,
Япроқларга жон.
Дала-даштининг энгида,
Яшил-яшил чопон.

Дошқозонда сумалак,
Мазасин татинг,
Фафлатда қолган дилни,
Тезроқ уйғотинг.

Нега ҳамон гимирлаб,
Уйда юрибсиз?
Кенгликларга чиқолмай,
Нега турибсиз?

Уйкудаги тушларни,
Сувларга сотинг.
Фафлатда қолган дилни
Тезроқ уйғотинг.

Кенгликларнинг ўзгача
Ажиб файзи бор.
Еру осмон кўк бўлиб,
Юз очган баҳор!

Қутиб турмас вақт — тигиз,
Қўлидан тутинг.
Фафлатда қолган дилни
Тезроқ уйғотинг.

Бегонамас уй — Ватан,
Улан тўшагинг.
Ўз бахтинг, ўз тахтингни
Тиклаб яшагин.

Фарзанд бўлсанг —
Мард бўлсанг,
Маҳкам тут аҳдинг.
Фафлатда қолмай дилни,
Тезроқ уйғотинг!

Бефарқ ўтди умр ҳам,
Ухладик — етар!
Узлимиз буй-баста,
Фидолик кутар!

Боболарнинг орзуси
Юзма-юз бугун,
Қувон, яйра, шодлан-эй,
Офтоби бор кун!

Иқбол, истиқбол бахти,
Қади тик тутинг.
Фафлатда қолмай, дилни
Тезроқ уйғотинг!...

«Минг бир либос...»

Минг бир либос кийиб тўрт томон,
Ястаниб ётибди дала, чўлида.
Фасллар бағрида яшав соғ-омон,
Ҳаёт кетиб борар қадим йўлида.

Не бўлар олдинда ҳали ноён,
Борлиққа ёяди офтоб борини.
Залворли тоғларга эғилиб осмон,
Қўксига босади чўққи қорини.

Шамоллар шашти ҳам ҳамон ўзича,
Дала-тош пойига бошин уради.
Кечаги новдалар дунё кўзига,
Фалакка гул-япроқ тутиб туради.

нинг 14-жилдида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

«Фиштбанд — XII асрдаги сув омбори тўғрисида қолдириш. Омондара соҳида жойлашган Фиштбанднинг сув тўпланмадиган ички томони тик, ташқариси зинапоё шаклида. Соининг киши оқими ва баҳорги сел сувлари омборга тўпланиб, қарийб 300 куб метрли сув захираси ҳосил қилган. Фиштбанд туфайли Самарқанд ва Қарши ораллигидаги қадимги қарвон йўли ёқасида мустаҳкам қалъа қад кўтарган. Қалъанинг харобалари ҳозирги вақтда Каттатела деб аталади. У Фиштбанддан 5 километр гарбда, Жом қишлоғи яқинида жойлашган. Жом қишлоғининг ўзида 250-300 гектар ер майдони сугорилиб, обод этилган. Сув омбори нураш, лойқа босиши натижасида ишдан чиққан».

Ўтган асрда мазкур сув омборини қайтадан тиклаш борасида бир неча бор ҳаракатлар қилинган. Лекин бу эзгу ниятлар амалга ошмади. Ниҳоят, ўтган йили ушбу иншоот қурилиши учун республика бюджетидан 3 миллиард 200 миллион сўм ажратилди ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Шу билан бирга, жорий йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида қишлоқлардаги барча уйлар хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш чоралари кўрилмоқда. Хонадон эгаларига уй-жойларини замон талаблари даражасида таъмирлаш учун лойиҳалар тақдим этилди. Бу ишга имконияти етмайдиган оилаларга вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, бир қатор бошқарма ва идоралар, тадбиркорлар ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Уй-жойи бўлмаган ўндан ортиқ оила учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Шунингдек,

форматорлар қўйилади...

Айни чоғда Жомнинг кенг далаларида қўлнам нафаси уфурмоқда. Табиатнинг илк баҳорий ҳавоси жомликлар қалбига ажиб бир илиқлик, тиниқлик олиб кирди. Қишлоқларда бошлаб юборилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамма-нинг кайфиятини кўтариб юборди. Катта-ю-кичик хашарга отланди.

Ҳозир бу ерда юздан ортиқ корхона ва ташкилотдан жалб этилган 2 мингдан зиёд ишчи-ҳодим, 150 дан кўпроқ қудратли техника ишлатмоқда. Уларнинг сафи вилоятнинг турли ҳудудларидан келаётган ҳашарчилар ҳисобига кун сайин кенгайиб бормоқда.

Кўчаларда шағал, тош юклаган автомашиналар қарвони узилмайди. Асфальт ётқизаётган техника молсамалари гуриллаб ишлайди. Қўлида белкуррак, кетмон тутган ишчилар, уйлари таъмирлаш билан машғул бўлган усталар бир лаҳза тиним билмайди. Қир бағрида қурилган уйларда ҳам замонавий турмуш шароити яратилмоқда, узоқдан келиб ишлаётган ҳашарчилар учун палаткалар тикилган.

Қишлоқда ободончилик ишлари энг аввал йўлларнинг буткул қайта қурилишидан бошланди.

— Дастурга кўра, биринчи босқичда Жом ва Гирдикўрғон маҳалласида замонавий маҳалла маркази, Нуронийлар маскани ва чойхона, иккита мактабгача таълим муассасаси қурилади, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Норқул Содиков. — Ҳудуддаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази атрофида замонавий истироҳат боғи, хотира майдони, ёзи амфитеатр, музей ва бошқа иншоотлар бунёд этилади. Қўнча Жом бозорини замонавий архитектура талаблари бўйича реконструкция қилиш ишлари

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги

«203-ТАЖРИБА ЙЎЛ МАШИНА СТАНЦИЯСИ»**жамоаси**юртдошларимизни, ҳамкасбларни
бахор айёми — Наврўзи олам билан табриклайди!Она замин кўклам либосига бурканаётган шу кунлардаги
қувонч ва шодликларимиз бардавом бўлсин!
Тинч ва осойишта кунларимизга кўз тегмасин!

ХУРМАТЛИ ЙЎРТДОШЛАР!

«АСАКА» банк жамоаси

Сизларни Наврўз байрами билан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!
Дастурхонлардан кут-барака, турмушингиздан
файз аримасин, азиз ватандошлар!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга
эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнаверсин!

Байрам муносабати билан қуйидаги муддатли
омонат турларини тақлиф этамиз:

миллий валютада:	хорижий валютада:
«ФАОЛ ТАДБИРКОР»	«МАДАД» (АҚШ доллариди)
«ҚАДРИЯТ»	«ИШОНЧЛИ» (АҚШ доллариди)
«БАРАКАЛИ»	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 22 ва хорижий валютада
11 турдаги қўлай шартларда омонатларни тақлиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**«АСАКА» БАНК САРМОЯНГИЗНИ САҚЛАНИШИ ВА
КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Ташкент шаҳар, Яқасарой туманидаги 144-ўрта мактаб томонидан 2004 йил 21 июнда Раҳмонбердиев Музаффар Акмалхонович номига берилган О'Р — А 1708205 серияли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV
Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14262 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:25.
Topshirilgan vaqti — 01:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон sahifasiga ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6